



Sharafshon

Fidoyilik —
Vatanga xizmat demak!

2022-yil 9-iyul, shanba,
79 (23.646)-son

КУН
ҲИКМАТИ

Эртасини
уйламаган
одам
бугунини
қадрлай
олмайди

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan



zarnews.uz

www.facebook.com/zarnews.uz

@zarnews_uz

https://twitter.com/zarnews_uz

Депутат аҳолининг яқин маслаҳатчиси, кўмакчиси бўлиши лозим

**8 июль куни халқ депутатлари
вилоят Кенгашининг олтинчи
сессияси ўтказилди.
Сессияни Кенгаш раиси
Э.Турдимов бошқарди.**

Дастлаб депутатлар вилоятнинг шахар ва туманларида 2023 йилда "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурига киритиладиган қишлоқ ҳамда маҳаллалар манзилли рўйхатларини ҳамда қурилиш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш ишлари олиб бориладиган объектларнинг мақсадли параметрларини тасдиқлади.

Унга кўра, келгуси йилда вилоятимизда 32 та маҳалла ва қишлоқ обод қилинади. 40 та умумтаълим мактаби, 28 та мактабгача таълим ташкилоти, 8 та ирригация тармоқлари, 6 та кўприк ва йўл ўтказгич, 5 та жисмоний тарбия ва спорт муассасаси каби ижтимоий соҳа объектларида қурилиш, реконструкция ҳамда мукамал таъмирлаш ишлари амалга оширилади.

Вилоят маданий мерос бошқармаси бошлиғи Б.Шайматовнинг вилоятдаги моддий-маданий мерос объектлари ва маданий бойликларни аниқлаш, ҳисобга олиш, муҳофаза қилиш, асраш ва улардан оқилона фойдаланиш, музей ашёлари ва музей коллекцияларининг бут сақланиши ҳолати юзасидан ҳисоботи эшитилди.

Депутатлар халқимизнинг умуммиллий бойлиги ҳисобланадиган моддий-маданий мерос объектлари ва маданий бойликларни аниқлаш, муҳофаза қилиш борасидаги ишларни эътироф этиш баробарида айрим эътирозларини ҳам билдирди.

Самарқанд шаҳрида бунёд этилаётган аксарият меҳмонхоналар қурилишида собиқ иттифоқ даври меъморчилиги аъёнлари устунлик қилляпти, - деди депутат Рустам Холмуродов. - Яъни, меҳмонхона қураётган тадбиркор асосан Европа меъморчилиги услубларидан фойдаланмоқда. Бу жараёнда дунё архитектураси тарихида муносиб ўринга эга бўлган миллий услубларимиз, азалий қадриятларимизга эътибор жуда суст. Маданий меросимизни асраш ишларига мутасадди ташкилотлар, хусусан, маданий мерос бошқармаси бу каби қурилишларни тартибга солиши керак.

Музейларимизга ҳам аксарият ҳолларда хорижлик сайёҳларга ташриф буюради, холос. Ўзимизнинг фуқаролар нега бундай муассасаларга кирмайди? Сабаби, музейдаги тарихий экспонатлар фуқароларимиз ўртасида мунтазам тарғиб қилинмайди, - деди вилоят ҳокими Э.Турдимов.

"Самарқанд сув таъминоти" МЧЖ раҳбари К.Осупов вилоятда аҳолини ичимлик ва оқова сув хизматларини кўрсатиш билан таъминлаш даражасини ошириш бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳисобот берар экан, аҳолини ичимлик суви билан таъминлашдаги муаммоларни ҳудудларда янгидан қуриладиган ичимлик суви тизимлари салмоғи кундан-кунга ортиб бораётгани билан боғлади.

Депутатлар ичимлик сувини тежаш, электрон ҳисоблагич ускуналарининг афзалликлари хусусидаги тарғибот тад-

бирларини янада кучайтириш юзасидан ўз тавсияларини билдирди.

Вилоятда "Аёллар дафтари"даги аёллар ва хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш борасидаги ишлар тўғрисида вилоят бандлик бош бошқармаси бошлиғи Н.Сулаймонов ҳисобот берди. Таъкидлашicha, уйма-уй юриш орқали вилоятимизда 696 минг 713 нафар хотин-қиз хатловдан ўтказилган ва учинчи босқич "Аёллар дафтари"га 65 минг 920 нафар хотин-қиз киритилган. Жорий йилнинг 6 ойи давомида бандлик органларига 47307 нафар хотин-қиз мурожаат қилиб, 9652 нафари мавжуд бўш иш ўринларига, 4316 нафари ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилган, 920 нафари 1099,4 миллион сўмлик субсидия ажратилган, 692 нафарига ишсизлик нафақаси тайинланган.

Яқинда фаолиятини бошлаган бир тадбиркор мурожаат билан келди, - деди вилоят ҳокими. - Таъкидлашicha, рўйхатдан ўтмагани учун суд унга "отнинг калласидек" жарима қўллаш юзасидан қарор чиқарган. Ваҳоланки, тадбиркорлик субъекти давлат рўйхатидан ўтиши лозимлиги хусусида унга ҳеч ким тушунча ёки ҳуқуқий маслаҳат бермаган. Бу эътиборсизлик тегишли идора масъуллари билан суҳбат жараёнида ҳам маълум бўлди. Фуқаро бўладими ёки тадбиркор, аввало, мажбуриятларидан огоҳ этилиши зарур.

Ушбу ҳолатлар аҳоли бандлигини таъминлаш борасида субсидиялар ажратиш, дафтарларда турувчи оилаларни камбағалликдан чиқариш жараёнида ҳам ўз аксини топяпти. Масалан, хонадонларга товуқ берилляпти, аммо ушбу оиланинг уларни боқиш имконияти борми, йўқми, ҳисобга олинмаяпти. Қолаверса, маҳаллалар, қишлоқларда парранда тухуми ва гўштини йиғиб, сотиб оладиган тизим ҳам жорий этилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

"Аёллар дафтари"даги аёллар ва хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш борасидаги ишлардан депутатларимиз ҳам четда турмаслиги керак. Келинг, бу борадаги самарадорликни янада ошириш мақсадида халқ депутатларини вилоят Кенгаши депутатларини биттадан маҳаллага бириктирайлик. Улар аҳоли бандлигини таъминлаш жараёнида бевосита иштирок этиб, ўз маслаҳатларини берсин, тажрибаларини ўргатсин. Туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари ҳам бу ишларга кўмаклашса, яхши бўлади.

Шунингдек, сессияда Президентимизнинг 2022 йил 18 майдаги "Цемент-бетон қопламали автомобиль йўллари тармоғини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан, вилоятимизда жорий йил кластер усулида цемент-бетон қопламали ички йўллارни қуриш ишларини амалга оширувчи бош пудратчи ташкилотларни тасдиқлаш тўғрисидаги масала ҳам муҳокама қилинди. Вилоят ҳокими ўринбосари - инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси бошлиғи О.Мирзабековнинг вилоятда инвестициялар жалб қилиш ва инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш тўғрисидаги ҳисоботи тингланди.

Сессияда муҳокама этилган масалалар юзасидан Кенгашнинг қарорлари қабул қилинди.



"ИПАК ЙЎЛИ"НИНГИЛК "ҚАЛДИРҒОЧ"ЛАРИ ДИПЛОМ ОЛДИ

Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Туризм ва маданий мерос вазири, университет ректори А.Абдуҳақимов, вилоят ҳокими Э.Турдимов иштирок этди.

Бугун университетимизнинг 109 нафар талабаси бакалаврлик, 23 нафари магистрлик дипломини қўлга киритди, - дейди А.Абдуҳақимов. - Асосий мақсадимиз Ўзбекистон туризми ривожини унун хизмат қиладиган малакали мутахассислар тайёрлаш

эди. Бугун бу мақсадимизга қисман эришдик. Имкон қадар талабаларни замонавий ўқув стандартлари асосида ўқитишга ҳаракат қилдик. Талабаларга икки мутахассислик "мажор" ва "минора" танлаш имкониятини яратдик. Яъни, "мажор" туризм маркетинг бўлса, "минора" корейс тили бўлди.

Қувонарлиси, Бутунжаҳон сайёҳлик ташкилоти (UNWTO) бош котиби Зураб Пололикашвили университетимиз битирувчиларига видеотабрик йўллади. Унда бош котиб Ўзбекистонда туризм соҳаси янада ўсиши ва туристлар оқимининг барқарор бўлиши учун янги ғоялар кераклиги, ушбу университетда тахсил олган талабалар бу

масъулиятли ишни амалга ошираганига ишончи қомил эканини айтган.

Таъкидлаш лозимки, назарий билимларни ўзлаштирган битирувчилар ўз кўникмаларини логистика компанияларида, ташкил этилаётган "Самарқанд туризм маркази"да, Эвент агентликлариди, вилоят туризм ва маданий мерос бош бошқармасида, меҳмонхона, тури туристик ва хизмат кўрсатиш корхоналарида амалиётда қўлладилар.

Шу кунга қадар битирувчиларнинг қарийб 100 нафари ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлашган.

Ўз мухбиримиз.

Кўшни вилоятлар "Зарафшон" нигоҳида

ЖИЗЗАХНИНГ БУГУНГИ ЖАМОЛИ

**Ўзбекистон Республикаси
Мустақиллигининг 31 йиллиги
муносабати билан газетамизда
"Кўшни вилоятлар "Зарафшон"
нигоҳида" номли янги рунк
ташқиқ этдик. Шу рункдаги
дастлабки саҳифамиз Жиззах
вилоятига бағишланди.**



Умумий ҳудуди 20 минг 500 квадрат километр майдонни эгаллаган Жиззах вилояти Сирдарё ва Зарафшон дарёлари оралигининг марказий қисмида жойлашган. У шимолда Қозоғистон Республикаси ва Сирдарё вилояти, жануби-шарқда Тожикистон Республикаси, ғарб томонда эса Самарқанд ва Навоий вилоятлари билан чегарадош.

Айни пайтда вилоят ҳудудида Жиззах шаҳри, Арнасой, Бахмал, Дўстлик, Фориш, Ғаллаорол, Шароф Рашидов, Мирзачўл, Пахтакор, Янгиобод, Зомин, Зафаробод, Зарбдор туманлари мавжуд. Аҳолиси 1,4 миллиондан ортиқ.

(Давоми 2-саҳифада) >>>

Қурбон ҳайити муборак бўлсин!

Давлатимиз раҳбари қарорига кўра, 9 июль Қурбон ҳайитининг биринчи куни юртимизда байрам сифатида кенг нишонланмоқда.

Ушбу кунларда амалга оширилмайдиган тадбирлар Ўзбекистон мусулмонлари идораси қўрсатмасига риоя этган ҳолда адо этилмоқда.

Жумладан, вилоятимиздаги 278 та масжидда ҳайит намозини ўқиш учун барча шароитлар яратилди.

Яратганга беадад шукрларки, эзгу амаллар, фазилатли ишлар билан Қурбон ҳайитини нишонлаёмиз. Байрам олди-дан, умуман, байрам кунларида имом-хатиблар, саховатпеша кишилар томонидан маҳаллалардаги эҳтижманд оилалар, ёлғиз кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва беморлар ҳолидан хабар олиниб, уларга мурувват ёрдамлари кўрсатилди.

Имоми Аъзам маъзабига кўра, қурбонлик куни хур, муқим, бой мусулмон одамга қурбонлик қилиш вожибдир. Қурбонлик қилиш закот ва фитр садақаси каби молиявий ибодат бўлиб, у Қуръони карим, ҳадиси шариф ва ижмоъ билан собит бўлган.

Қурбонликнинг вожиблигига далиллар: "Бас, Раббингизга намоз ўқи ва жонлиқ сўйиб, қурбонлик қил!" (Кавсар сура-си, 2).

Аллоҳнинг ўзи учун ибодат қилиб, намоз ўқиш, фақат унинг йўлида жонлиқ сўйиб, бева-бе-

чораларни тўйғазиб шукрнинг бир кўринишидир.

Уламоларимиз ушбу ояти каримадаги "намоз"дан мурод, ийди қурбон намози, "жонлиқ"дан мурод қурбонликка сўйилмайдиган ҳайвон, деганлар.

Қурбонлик қилувчи ҳайит намози ўқиб бўлингандан кейин, қурбонликни ўз қўли билан сўйса афзал, қурбонликни сўйишда "Бисмиллаҳи ва Аллоҳу Акбар!" демоқ керак, қурбонликни сўйиш пайтида қимданлигини айтиш мумкин.

Қурбон ҳайитининг биринчи куни ҳайит намозидан кейин ҳайитнинг учинчи куни шом намозигача қурбонлик қилиш жоиз.

Қурбонлик гўштнинг бир қисми қурбонлик қилувчининг оиласига қолдирилиши, яна бир қисми камбағал кўшчиларга, яна бир қисми қариноқларга тарқатилиши мумкин. Агар оила таъминотига керак бўлса, қўшчиларга тарқатмасдан, гўштни шариф ва ижмоъ билан собит қилинган жонлиқнинг териси ва қалла почаси сотилмайди, садақа қилинади.

Барчамизга Қурбон ҳайити муборак бўлсин, азизлар!

**Хайруллоҳ САТТОРОВ,
Ўзбекистон мусулмонлари
идораси вилоят вакили
ўринбосари.**

Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг ҚАРОРИ

Самарқанд вилоятидаги айрим аҳоли пунктларини номлаш ва қайта номлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 12 октябрдаги "Географик объектларнинг номлари тўғрисида"ги Қонуни-нинг 4 ва 9-моддаларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг 2022 йил 14 январдаги (01-14-28-сон) ва 31 мартдаги (01-14-413-сон) экспертиза хулосалари ҳамда Географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича вилоят комиссиясининг 2021 йил 29 декабрдаги ва 2022 йил 18 мартдаги йиғилиш баённомаларини инобатга олиб, халқ депутатлари вилоят Кенгашининг олтинчи қадириқ олтинчи бешинчи сессияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Қуйидагилар:

Оқдарё туманидаги аҳоли пунктларининг номлари 1-иловага мувофиқ ўзгартирилсин.

Самарқанд туманидаги аҳоли пунктларининг номлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вилоят маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бошқармаси (И.Жабборов), вилоят статистика бошқармаси (Д.Мусинов), Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг давлат кадастрлари палатаси вилоят бошқармаси

(М.Қувондиқов), Оқдарё (Ш.Қудратов) ва Самарқанд тумани (С.Усмонов) ҳокимликлари мазкур қарорнинг 1-бандида кўрсатилган аҳоли пунктлари номларини белгиланган тартибда статистик ҳисоботларда акс эттирилишини ва иш юритиш ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилишини таъминласин.

3. Вилоят ички ишлар бошқармаси (Р.Маматов), Оқдарё (Ш.Қудратов) ва Самарқанд тумани (С.Усмонов) ҳокимликлари номланган аҳоли пунктларига аҳолини рўйхатга қўйиш ҳамда тегишли йўл белгиларини ўзгартириш билан

боғлиқ ташкилий ишларни амалга оширсин.

4. Давлат кадастрлари палатаси вилоят бошқармаси (М.Қувондиқов), вилоят қурилиш бош бошқармаси (Л.Ҳамидов), Оқдарё (Ш.Қудратов) ва Самарқанд тумани (С.Усмонов) ҳокимликлари биргаликда номланган аҳоли пунктларига белгиланган тартибда замонавий талаблар асосида пешлаш ва кўрсаткич белгиларининг ўрнатилишини таъминласин.

5. Вилоят ҳокимлиги ахборот хизмати раҳбари - матбуот котиби (М.Мирзаев), вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги "Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази" МЧЖ (А.Анваров) мазкур қарорни "Зарафшон", "Самарқандский вестник", "Овози Самарқанд" газеталарида чоп этилишини ҳамда Lex.uz - Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасига ва вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтига ўрнатилган тартибда жойлаштирилишини таъминласин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш бўйича доимий комиссияси (Ш.Жўрақулов) ва вилоят ҳокимининг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси (Ш.Темиров) зиммасига юклансин.

7. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Кенгаш раиси

Э.ТУРДИМОВ

2022 йил 13 июнь

VI-65-121-7-0-К/22

(Қарор иловалари 3-саҳифада).

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг 2022 йил 13 июндаги VI-65-121-7-0-Қ/22-сонли қарорига 1-ИЛОВА

Оқдарё туманидаги номлари ўзгартирилаётган аҳоли пунктларининг номлари

Т/р	Географик объектнинг жойлашган ўрни (МФЙ)	Аҳоли пунктнинг амалдаги номи	Аҳоли пунктнинг ўзгартирилган номи	Республика экспертиза комиссияси хулосаси
1.	"Темирак" МФЙ	Зарафшон	Нурли йўл	Қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ
2.	"Учтепа" МФЙ	Яланғоч	Давлатобод	Қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ
3.	"Янгикўрғон" МФЙ	Янгиобод	Янгикўрғон	Қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ



Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг 2022 йил 13 июндаги VI-65-121-7-0-Қ/22-сонли қарорига 2-ИЛОВА

Самарқанд туманидаги ном берилаётган аҳоли пунктлари

Т/р	Географик объектнинг жойлашган ўрни(МФЙ)	Ном берилаётган аҳоли пункти	Республика экспертиза комиссияси хулосаси
1.	"Паррандачилик" МФЙ	Меҳрибод	Қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ
2.	"Бўзи" МФЙ	Меҳрибод	Қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ
3.	"Янгиарик" МФЙ	Шамсиобод	Қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ
4.	"Ширинобод" МФЙ	Илонсой	Қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ
5.	"Чумчуқли" МФЙ	Қумтепа	Қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ
6.	"Ўзбеккенти" МФЙ	Зарафшон	Қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ
7.	"Янги жой" МФЙ	Оқбўйра	Қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ
8.	"Янги жой" МФЙ	Янги ҳаёт	Қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ
9.	"Янги жой" МФЙ	Янги боғ	Қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ
10.	"Янги жой" МФЙ	Зафаробод	Қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ
11.	"Янги жой" МФЙ	Газчилар	Қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ
12.	"Янги жой" МФЙ	Ёшлик	Қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ
13.	"Жўйи Аббос" МФЙ	Гулистон	Қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ
14.	"Жўйи Аббос" МФЙ	Жавонобод	Қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ
15.	"Жўйи Аббос" МФЙ	Гулбод	Қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ
16.	"Жўйи Аббос" МФЙ	Нуробод	Қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ

МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИ ЁКИ СУИИСТЕЪМОЛЛИК

тизимли курашни талаб қилади

Жорий йилнинг 5 июль куни Сенатнинг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси йўналишида Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги миллий маъруза дастлабки тарзда муҳокама қилинди.

Кўпчилида савол туғилиши мумкин: ўзи бу борада нима ишлар қилиняпти? Жавоб беришда аввало, коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат ва ҳусусий сектор иштирокчиларининг самарали фаолият юритишини таъминловчи омиллардан бири ўз таркибда коррупцияга қарши курашиш ички (комплаенс) назорат (compliance control) тизимини ташкил этиш ҳисобланишини қайд этиш лозим.

Шу боис ўтган йили давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирилари Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларидан коррупцияга қарши ички назорат тизимлари фаолияти йўлга қўйилди.

Коррупцияга қарши ички назорат — давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари,

ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги халқаро стандартлар, қонун ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ташкил этишчи профилактик тизимдир.

Тизим коррупция хавф-хатарларини ўз вақтида аниқлаш ва чек қўйиш, уларнинг оқибатларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш ҳамда уларни минимум даражага туширишга хизмат қилади. Яъни, хизмат вазифамиз коррупция хавф-хатарлари, манфаатлар тўқнашувини ўз вақтида аниқлаш ҳамда уларга чек қўйиш каби қатор профилактик чораларни ўз ичига олади. Шундан келиб чиқиб, вилоят қурилиш бош бошқармасида ходимлар орасида коррупциянинг олдини олиш мақсадида ички тартибга риоя қилиш,

ваколатларни суиистеъмол қилмаслик ва вазифаларга совуққонлик билан ёндашмаслик, айрим фуқаролар томонидан нисбатан босим ўтказишлар оқибатида қўтилмаган ҳолатларга тушиб қолмаслик бўйича профилактик суҳбатлар ўтказиб келинмоқда.

Умуман, ички назорат ходими тизимда коррупция ҳолатлари, манфаатлар тўқнашувининг ва ходимлар томонидан тамагирилликка йўл қўйилишининг олдини олиш бўйича доимий профилактик тадбирлар олиб боради. Қайд этилган ҳолатлар кузатишмаслиги учун зарур чора-тадбирларни ишлаб чиқиб, раҳбариятга тегишли таклифлар киритиб боради.

Қайд этилганларга қарамай, фаолиятимизга 10 баллик тизимда 6 ёки 7 балл қўйиш мумкин, деб ўйлайман. Нега аъло эмас, деган савол туғилиши мумкин. Ҳали коррупцияга қарши курашиш борасидаги ишимизга юқори баҳо бериб бўлмайди. Чунки йўл қўйилаётган камчиликларимиз, аниқланаётган баъзи

суиистеъмолликлар бор.

Рост, ходимнинг иш шароити, ойлик-маошини яхши қилмасдан, қўтилмаган натижага эришиб бўлмайди. Буни айна коррупцияга қарши курашиш масаласида ҳам айтиш мумкин. Шу маънода, тизимда ишловчиларнинг моддий таъминотини яхшилаш чоралари қўрили япти. Зотан, коррупцияни енгиш учун турли омиллар ичида аввало, моддий таъминот масаласи ҳал бўлмас экан, муаммо ўзгармай тураверади.

Комплаенс-назорат хизмати фаолиятини албатта, ривожлантириш керак. Чунки ҳар бир давлат ташкилоти тизимида ички назорат тартибга солиниб, шаффофлик таъминланса ва коррупцияга барҳам берилса, фуқароларнинг ишончи ортади. Бу табиийки, хизматлар кўлами ошиб, тизим ривожига, пировардида давлатнинг иқтисодий юқалишига хизмат қилади.

Хуршид ҲАКИМОВ,
вилоят қурилиш бош бошқармаси бўлим бошлиғи.

Кеча Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази вилоят бўлимининг янги биноси очилди.

Марказ раҳбарияти, вилоят суд-ҳуқуқ тартибот органлари мутасаддилари ҳамда кенг жамоатчилик иштирок этган тадбирда суд экспертизаларининг самарадорлигини ошириш, соҳани юқори аниқликдаги таҳлил воситалари билан жиҳозлаш орқали одил судловни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани қайд этилди.

Таъкидланишича, Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси марказида 2020 йил 28678 та экспертиза, 923760 та объект бўйича тадқиқотлар ўтказилган бўлса, 2021 йилда 33391 та экспертиза, 1 миллион 659,5 мингга объект бўйича тадқиқотлар амалга оширилган.

Хусусан, одам ДНКси суд-биологик экспертизаси лабораторияси мазкур йўналишда Марказий Осиёда биринчи ташкил этилган лаборатория ҳисобланади.

Материаллар, ашёлар ва буюмлар криминалистик экспертизаси лабораториясида 22 та экспертиза тури бўйича тадқиқотлар ўтказилади. Лабораторияда ўтказилаётган тадқиқотларнинг аксариятини нефть маҳсулот, лок-бўёқ қопламалари, бошқа тур объектлар (минерал ўғитлар, кислоталар,

Самарқандда одам ДНКси бўйича ҳам экспертизалар ўтказилади

заҳарли кимёвий моддалар, табиати ноаниқ бўлган моддалар) ҳамда микро-тодалар суд экспертиза тадқиқотлари ташкил этади. Бундан ташқари, лабораторияда гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар бўйича ҳам экспертиза тадқиқотлари амалга оширилади.

– Суд-ҳуқуқ ислохотлари доирасида жорий йилнинг 11 январь куни Вазирилари Маҳкамасининг марказ фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда экспертлик ишларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори қабул қилинди, – дейди Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази раҳбари Акрам Халилов. – Қарорда бошқа вазифалар қатори Самарқандда одам ДНКси суд-биологик эксперти-



заси ҳамда материаллар, ашёлар ва буюмлар криминалистик экспертизаси лабораторияларини ташкил қилиш белгиланганди.

Жорий йилнинг 1 июль кунидан Самарқанд шаҳрида одам ДНКси суд-биологик экспертизаси ҳамда материаллар, ашёлар ва буюмлар криминалистик экспертизаси лабораториялари фаолияти йўлга қўйилиб, дастлабки экспертиза хулосалари расмийлаштирилди.

Тадбирда вилоят ҳокимининг ўринбосари Х.Очилов иштирок этди.

Ёқубжон МАРҚАЕВ.

"Туронбанк" акциядорлик тижорат банки Самарқанд филиалида 74 нафар ходим ишлайди. Уларнинг 30 нафарини ёшлар ташкил этади.

ТУРОНБАНК ёш ходимлар меҳнатини қадрлайди

Реклама ўрнида

Филиалда ҳар доим ёш ходимларга эътибор кучли. Яқинда Ёшлар ойлари муносабати билан йигит-қизларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, соҳага оид билим ва кўникмаларини, интеллектуал салоҳиятини оширишга қаратилган тадбирлар ташкил этилди.

Ойлик якунида банкнинг ёш ходимлари учун семинар-тренинг ўтказилди. Ўзбекистон ёшлар ишлари агентлиги вилоят бошқармаси билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбир табиат қўйнида бўлиб ўтди. Унда Ёшлар ишлари агентлиги вилоят бошқармаси мутахассиси Машраб Отамуродов мамлакатимизда келажак бунёдкорлари бўлган йигит-қизлар учун яратилаётган имкониятлар ҳақида гапирди. Кейинги йилларда ёшларни қўллаб-қувватлашга қаратилган қарор ва фармонлар ҳамда бўжжатларнинг ижросини таъминлаш мақсадида амалга оширилаётган ишларни содда қилиб тушуниришга ҳаракат қилди. Ёш ходимлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олди.

– Филиалимиз ташкил топганига 30 йил тўлди, – дейди "Туронбанк" Са-



бугунги кун ёшлари шижоатли, интилувчан, ўз устида ишлайдиган. Биз уларнинг янада фаол бўлишлари учун моддий ва маънавий рағбатлантириб борамиз.

– Самарқанд давлат университети иқтисодий йўналишини тамомладим, – дейди Мурод Тўракулов. – Банка ишга кирганимда 2-босқич талабаси эдим. Бу ерда устозларим ҳам ўқиб, ҳам ишлашни учун шароит яратиб берди. Банкада фаол ёш ходимларнинг меҳнати муносиб қадрланар экан. Олган билимимизга сифатли банк хизматларини кўрсатиб келяпмиз. Мижоз билан ишлашда банк ходими аввало, ҳушумомала, шу билан бирга, ўз соҳасининг билимдон бўлиши керак. Шунинг учун филиалимизга ишга қабул қилинган ёш ходимларимиз шу ва бошқа талабларга жавоб бера олади. Банкнимизда ёш ходимлар тажрибали устозларга бириктирилган. Алоҳида таъкидлаш лозим,

марқанд филиали бошқарувчиси Ҳасан Очилов. – Ўтган йиллар давомида мижозларимизга сифатли банк хизматларини кўрсатиб келяпмиз. Мижоз билан ишлашда банк ходими аввало, ҳушумомала, шу билан бирга, ўз соҳасининг билимдон бўлиши керак. Шунинг учун филиалимизга ишга қабул қилинган ёш ходимларимиз шу ва бошқа талабларга жавоб бера олади. Банкнимизда ёш ходимлар тажрибали устозларга бириктирилган. Алоҳида таъкидлаш лозим,

Тўлқин СИДДИҚОВ,
Ҳусан ЭЛТОЕВ (сурат).



Хизматлар лицензияланган.

РЕКЛАМА, E'LONLAR, BILDIRISHLAR / Gazetamiz haftada uch marta - seshanba, payshanba va shanba kunlari chop etiladi / Gazetada chop etilayotgan reklama va e'lonlar tezkor, samarali va hamyonbop / MUHOJAT UCHUN TELEFON: 66-233-91-56

ДАЪВОЛАР БЎЛСА...

Жомбой туманидаги «ADOLAT SHIFO» масъулияти чекланган жамияти (СТИР: 303158837) ўз устас фондани камайтирмақда.

Шу муносабат билан унга билдириладиган барча даъволар газетда эълон чоп этилгач, бир ой давомида қабул қилинади.

Манзил: Жомбой шаҳри Галакапа кўчаси.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Алиева Лола Заировна нотариал идорасида марҳум Эргашева Мунотажонга (2021 йил 4 мартда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Алиева Лола Заировна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Мирзо Улугбек кўчаси, 80-уй.

Самарқанд туманида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Ахтамов Эркинжон Тolibжонович нотариал идорасида марҳум Мухитдинов Амрига (1998 йил 7 октябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ахтамов Эркинжон Тolibжонович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд тумани Андижони маҳалласи.

Пайриқ туманида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Мухаммадиев Фарҳод Жўракулович нотариал идорасида марҳум Бўтаева Назира Қодировнага (2021 йил 6 декабрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Мухаммадиев Фарҳод Жўракулович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Пайриқ тумани Чеклак шаҳарчаси, Истиклол кўчаси, 76-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Раҳимова Комила Фахриевна нотариал идорасида марҳум Халимова Мухиба Ваҳобовнага (2020 йил 24 ноябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Раҳимова Комила Фахриевна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Абдурахмон Жомий кўчаси, 64-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Алиева Лола Заировна нотариал идорасида марҳум Ахмедов Хасанга (2010 йил 30 октябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Алиева Лола

Заировна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Мирзо Улугбек кўчаси, 80-уй.

Жомбой туманида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Азизов Джаҳонгир Илхомович нотариал идорасида марҳум Ашурова Ойдин Уриновнага (2018 йил 5 октябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Азизов Джаҳонгир Илхомович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Жомбой тумани А.Қурбонов маҳалласи, Сарой кўчаси.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Алиева Лола Заировна нотариал идорасида марҳум Сидикова Халимага (2020 йил 16 октябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Алиева Лола Заировна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Мирзо Улугбек кўчаси, 80-уй.

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Паст Дарғом туманидаги 81-умумий ўрта таълим мактабидан 2004 йилда Қўлдашова Гўлзебо Иргашовна номига берилган О`Р-А №

1758678 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд давлат университетидан 2019 йилда Данабоев Сирожидин Абдусаматович номига берилган рўйхат рақами 1176, В № 1033760 рақамли дипломнинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд қишлоқ ҳўжалик касб-ҳунар коллежидан 2017 йилда Оманов Баҳодир Набихон ўғли номига берилган рўйхат рақами 15786, К № 4713923 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тойлоқ туманидаги 21-умумий ўрта таълим мактабидан 2003 йилда Ходжиметова Манучехра Бахтиёровна номига берилган О`Р-А № 1463577 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Булунгур саноат ва сервис касб-ҳунар коллежидан 2018 йилда Бутунбоев Махсумбек Хусан ўғли номига берилган К № 5124932 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тойлоқ туманидаги 47-умумий ўрта таълим мактабидан 2007 йилда Санакулова Васила

Эшмуродовна номига берилган У № 1666469 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

КВАРТИРА СОТИЛАДИ!
Самарқанд шаҳри Мевазор маҳалласи, Фаробий кўчасида жойлашган 4-қаватли уйнинг 1-қаватидан, 2 хонали ғишдан қурилган квартира зудлик билан, қиммат бўлмаган нарҳда сотилади. Мўлжал: "Темирйўл деҳқон бозори" атрофи, шаҳар 4-сон ИИБ орқасида.
Телефон: +99891-551-72-23.

Самарқанд давлат тиббиёт университети ректорати ва касба уюшма қўмитаси университети урология кафедраси ассистенти Нурулло Бобоқулловга онаси **Шаҳрибону ТОШЕВАН**нинг ҳамда акиси **Насилло БОБОҚУЛОВ**нинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети ректорати ва биология факультети жамоаси факультет декани, профессор Худойёр Келдиёровага акиси **Бахтиёр КЕЛДИЁРОВ**нинг вафоти муносабати билан ҳамдардик билдиради.

➤ **Муштарий мулоҳазаси**

Ёшим 82 дан ошди. Тенгқурларим қаторида Янги Ўзбекистон-да кексалик гаштини сураётганимдан Яратганга шукроналар билдираман.

Меҳр ва садоқат - дунёни бирлаштираувчи устун

Албатта, бу ёшга етгунга қадар кўпгина воқеаларни кўрганман, турмушнинг аччиқ-чучугини татиғанман. Қишлоқда туғилиб ўсганим сабабли умримнинг асосий қисми қишлоқ ҳўжалиги юмушлари билан кечган.

Болалгим Иккинчи жаҳон уруши ва ундан кейинги қийинчиликлар даврига тўғри келган. Егулик, ичкиликни ҳозиргидай саралаб емадик, бориға шукр қилиб яшаганмиз. Урушдан ярадор бўлиб келган отамиз бизларни сабр-қаноатга ўргатган. Дастурхон атрофида "Товуқ парвариш қилдик, кейин эчки олдик, қўй қилдик, уларни сотиб, бузук олдик, бузук сигир бўлди. Буларнинг ҳаммаси сабр-қаноат туфайли пайдо бўлди ва рўзгоримизга кут-барака берди", деб кўп такрорлар эди.

1945-1950 йилларда қишлоқларда ҳамма одамлар томорқасига оқ жўхори экиб, олинган ҳосилдан йил давомида ун қилиб, зоғора нон билан ҳаёт кечирарди. Буғдой уни 1950 йилдан кейин пайдо бўлди, у тансиқ таом сифатида меҳмонларга, бетоб инсонларга тайёрланарди. Ҳафтанинг фақат яқшанбасида отамиз Яқаншиқ ота бозорига бориб, қанд-қурс ва бошқа егулик олиб келарди. Демок-чиманки, ҳозиргидай дўконлар йўқ эди, қишлоқда биттагина дўкон бўлиб, унда ҳам озиқ-овқат маҳсулотлари санокли бўларди.

1991 йилда СССР деган мустақил тузум инқирозга юз тутиб, тугатилди ва Ўзбекистонимиз мустақил деб эълон қилинди. XII қақриққ Ўзбекистон Олий кенгашига депутат - халқ вакили сифатида бу жараёнда мустақиллик учун овоз берганимдан ҳаммиша фахрланаман ва ғурурланаман.

1991-1995 йилларда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, байроғи, маҳдияси ва қарийб 200 та қонун қабул қилинишида овоз берганим ҳаётимдаги тарихий воқеалардан ҳисобланади.

Жонажон Ўзбекистонимиз мустақилликка эришгандан кейин ҳар томонлама ривожланди, обод бўлди. Мамлакатимиз аграр мамлакатдан саноати ривожланган юртга айланди. Газни қайта ишлаш заводи (ғузордаги) жаҳондаги учинчи шундай қорхона эканлиги ҳаммамизни ғурурлантирди. Бошқа соҳалар бўйича ҳам халқаро рейтингларда йил сайин юқорилаб бораёмиз.

Одамларнинг турмуш шароити сезиларли даражада яшилди. Айниқса, қишлоқларда электр энергияси, газ таъминотидаги узилишларга барҳам берилди.

Мен нуруний сифатида ўрта ва кекса авлод вакиллари билан кўп мулоқот-да бўлганим сабабли кўрсатилаётган ғамхўрлик ва эътибор учун улардан Президентимиз ҳақиға миннатдорлик сўзларини кўп эшитаман. Улар тиниб-тинчимас Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистонда биринчи раҳбар бўлиб туриши бу Аллоҳнинг Ўзбекистон халқига кўрсатган инояти, деб шукроналар билдиришади,

дуолар қилишади.

Дарҳақиқат, давлат раҳбари катта қўламда, кенг қамровли ишларни амалга ошироқда, қайси соҳада сал оқсоқлик пайдо бўлса, дарҳол муаммо сабабини ўрганиб, чора-тадбирларни белгилаб, қарор қабул қилиши, барча мутасаддиларга йўл-йўриқ кўрсатиши, топшириқ бериш баробарида унинг ижроси учун сарфланган харажатларга молиявий манбаларни аниқлаши ҳам таҳсинга сазовор.

У кишининг ташаббуси билан мамлакатдаги ислохотлар режаси аввал 2017-2021 йилларда Харажатлар стратегияси деб номланди, кейин 2022-2026 йиллар учун Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ишлаб чиқилди. Бу стратегияда 7 та йўналиш бўйича 100 та мақсад кўзда тутилган. Шундан 34 таси адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капитални ривожлантиришга бағишланган.

Табиики, бу шахдам қадамлар, шижоатли ривожланиш айрим ғаламис, ҳасадўй қимсаларни тинч қўймайди. Зеро, халқимизда азалдан "Медали дарахта тош отишади", деган мақол бор. Бу пурмазно нақлнинг маъносини афсуски, айрим нодонларга, ғўр ёшларимизга тушунтиришимиз даркор.

Мустиқилликка эришгандан буюн 31 йил давомида бошқарув тизимлари бирмунча ўзгарди. Бу албатта, Конституциямизга ҳам ўзгаришлар киритиши такозо этмоқда. Биз, кексалар Янги Ўзбекистоннинг Конституциявий қонуни - халқчил қонуни қабул қилинишини маъқуллаймиз. Зеро, биз халқаро майдонда нуфузга эга бўлган давлат, эътирофга сазовор халқ сифатида ана шундай янгилик Қомусга эга бўлишга ҳақлимиз. Муҳими, бу ҳужжатнинг ҳар бир сатри халқ билан маслаҳатлашиб ўзгартирилмоқда.

Сўзимнинг бошида Иккинчи жаҳон урушини, унинг оқибатларини беҳиз эсламадим. Онам раҳматлининг икки нафар укаси урушга сафарбар қилиниб, фронтдан қайтмаган, жангда ҳалок бўлган. Бир умр урушни қоралаб, кечалари юм-юм йиғлаб, фашистларни қарғаб ўтди. Урушнинг номи ўчсин.

Иккита тузумни ва ҳаётнинг аччиқ-чучугини кўрган, дунёдаги бугунги хавотирли вазиятни англаб етган нуруний сифатида юртдошларимга бир гапни айтмоқчиман:

Азиз ватандошларим, мен шунча ёшга кириб, ҳозиргидагидек эркин, фаровон ҳаётни кўрмадим. Биздаги имконият ва имтиёзлар бошқа давлатларда йўқлигини ҳам билиб турибмиз. Меҳнат қилсанг, даромад топсан, ҳалол хизмат қилсанг - обрў топасан. Шундай экан, фидойи Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилаётган улугвор ишларнинг, бугунги тўқин, фаровон турмушимизнинг қадрига етайлик.

Абдушукур МУҲАММАДҚУЛОВ, I даражали меҳнат фаҳрийси.

Бундан роппа-роса 70 йил аввал саратоннинг жазирамасида Самарқанд туман Қўшмачит қишлоғида туғилган болақай вақти келиб, вилоят тиббиёт ташкилотчиларидан бирига айланади, деб ким ҳам ўйлабди дейсиз.

Маматқул тумандаги 21-ўрта мактабда ўқиди. Самарқанд давлат тиббиёт институтининг педиатрия факультетига таҳсил олди ва 1975 йилда ўқибни битиргач, иш фаолиятини Самарқанд давлат тиббиёт институтининг 1-клиникасида ординаторликдан бошлади. Кейинчалик бўлим мудири, кафедра ассистенти вазифаларида ишлади.

Илгга чанқоқлик туфайли Маматқул Азизов аввал аспирантурада, кейинчалик докторантурада ўқиди ва илмий ишлари натижасиз қолмади. Уша вақтдаги йирик илмий марказлардан бири бўлган Ленинград (ҳозирги Санкт-Петербург) педиатрия медицина институтига 1985 йилда номзодлик ва 1992 йилда докторлик диссертацияларини ёқлади. Ёш олимнинг илмий ишлари болаларнинг оғир хасталиқларини даволашга бағишланган эди. Маматқул Қурбонovich бир умр, деярли ярим аср давомида болалар шифокори ҳамда фарзандларимиз соғлиғига масъул сифатида вазифасини чин дилдан, катта масъулиятни сезган ҳолда бажариб келмоқда.

Профессор М.Азизов 1994 йилдан бери Самарқанд вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг бош врач, айни вақтда Самарқанд давлат тиббиёт университети болалар хирургияси кафедраси профессори лавозимларида фаолият юритмоқда. Олим масъулиятни сақлаш тизимига кўпгина янги ва самарали йўналишлар киритган. Марказ бўлимларида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг янги

Болалар тиббиёти кашшофи

Профессор Маматқул Азизов ҳаётига чизгилар



технологиялари ҳамда далилларга асосланган тиббиёт натижаларининг жорий этилиши муносабати билан марказ кўрсаткичлари республикада энг ижобий деб тан олинган. Бундан ташқари, қаҳрамонимиз болалар хирургия ва олим сифатида ғўдақларда нуқсонли ривожланишлар, хирургик гематология ҳамда амбулатор хирургияни такомиллаштиришда ўзининг муносиб ҳиссасини кўшган.

М.Азизов консултив вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази 1997 йилда Япония ҳукумати грантини кўлга киритди ва муассаса 2 миллион АҚШ долларига тенг тиббий асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан таъминланди.

Марказда консултиватив поликлиника, болалар эндокринологияси ва гинекология, гастроэнтерология, нефрология, неврология, амбулатор жарроҳлик ва бошқа бўлимлар ташкил этилиши туфайли болаларга кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг кўлами янада кенгайди. Шунингдек, марказда диагностика бўлими фаолиятга киритилди. Натижада виллоятимиз болаларининг пойтахтга ёки чет давлатларга даво истаб бориши 90 фоизга, айрим соҳаларда 100 фоизгача камайди. Шу билан бирга, кўшн вилоят ва бошқа республикалардан ташриф буюрадиган беморлар сони ошди.

М.Азизов тиббиёт соҳасининг салоҳиятли, жонқуяр ташкилотчиси. Биз бу инсон мисолида бир кишининг чин дилдан интилиши, маҳорати бошқаларга, бутун жамиятга қанчалик фойда келтиришини кўриб турибмиз. Бошқасини қўя

турайлик, фақат кардиохирургия, жумладан, болалар кардиохирургияси соҳасида вилоятда амалга оширган ишлари ҳар қанча таҳсинга лойиқдир.

Замон билан ҳамнафас ишлаб ўрганган профессор М.Азизов Президент Шавкат Мирзиёевнинг хорижда ишлаб юрган юқори малакали ўзбекистонлик мутахассисларни юртимизга қайтариш борасидаги кўрсатмасига амалий ишлари билан жавоб қайтарди.

2018 йилда Москвадаги А.Н.Бакулев номидаги юрак-қон томир хирургияси илмий марказида фаолият юритган уч нафар юртдошимиз - тиббиёт фанлари номзоди Максуд Саидов, малакали шифокорлар Икром Маллаев, Мирзохид Темировларни Самарқандга таклиф эди. Санкт-Петербургдан ўз ишининг устаси Рустам Қўшназаров келиб, улар сағига қўшилди. Уша йилиёқ вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказида болалар кардиохирургия бўлими ташкил этилди. Натижада юқори технологияли операциялар ўтказилиши туфайли жуда кўп оғир беморларга ёрдам кўрсатилди, жумладан, очиг жарроҳлик амалиёти бажарилди.

Марказ болалар кардиохирургия бўлимида А.Н.Бакулев номидаги илмий марказдан яна бошқа ватандошларимиз таклиф этилиб, фаолият олиб бормоқда.

— Устозимиз уч замон одами: кечаги тиббиётни қуқур билгани ҳолда, ундан ҳулоса чиқаради. Ҳулосаларини бугунги кун тиббиётининг ривожига йўналтиради, - дейди шогирди Мақсуд Саидов. - Зукко олим сифатида эртанги кунни, соҳа қайси йўналишда ривожланишини англаган ҳолда режа тузади, уни амалга қайриб эйтиш учун бор куч ва имкониятини сафарбар қилади. Домла эришган ютуғидан мағрурланиб, тўхтаб қолмайди, эқтинча, доимо янги марралар, забт этилмаган чўққилар сари интилади.

Етук олим, моҳир ташкилотчи, билимдон мутахассис, профессор М.Азизов хориж тажрибасини ўрганишдан, жаҳоннинг илғор тажрибасини тиббиётимизга жорий этишдан чарчамайди. Кўпглаб халқаро илмий-амалий анжуманларда иштирок этган олим 150 дан ортук илмий ишлар, жумладан, 12 та услубий қўлланма, 15 та рационализаторлик таклифи муаллифи ҳисобланади. Ҳозирги кунда профессор М.Азизов раҳбарлигида тўртта номзодлик ва битта докторлик диссертациялари тайёрланмоқда.

Шу кунларда ўзининг 70 ёшини қаршилаётган Маматқул Қурбонovich Азизовни дўстлари, касбдошлари, шогирдлари чин юракдан қутлаб, бу қалби дарё, самийий инсон, шифокорлар муаллимига узук умр, мустақкам соғлиқ ва жўшқин фаолият тилайди.

Аззам ЭШОНҚУЛОВ, тиббиёт фанлари номзоди, Тошпўлат РАҲМАТУЛЛАЕВ, журналист.

➤ **Ҳаёт сабоқлари**

Фақир кўнгли айниб ўйғонди. Боши тарс ёрилгудек лўқиллаб оғир, томоғи қуруқшаб, ташналиқдан ичи ёнарди.

Тушаймонлик

- Нази, қаердасан? Сув бер! Вой-вой бошим, ўламан! - Ҳеч ким жавоб бермади. Вақт аллақачон тушга яқинлашиб қолган. Қуёш осмондан олов пуркарди. Фақир гандирақлаб, ўрнидан турди. Бир амаллаб ошхонага етиб борди, тиз чўкиб, икки қўли билан челақка ёпишиб, ўпкаси оғзидан отилиб чиқгудек хансираб, ютоқиб сув ичди. Бироз ўзига келгандай бўлди. Хирқираб яна хотинини чақирди.

- Назира, тирикмисан? Жавоб бўлмади: "Ер ютганми, буни, қаерга гумдон бўлди?". Жаҳл билан ўрнидан турди, боши гир-гир айланиб, чайқалиб кетди. Девор суяна-суяна уйга кирди. - Қаердасан? - уй ичига кўз югуртирди. Ҳеч ким йўқ. Кўзи телевизор устидаги қоғозга тушди: "Нима экан?". Олиб, ёзувга қаради: "Фақир ака, ҳаммаси ҳиқилдоғимга келди, ортиқ сиз билан яшайман. Биз Нилуфар билан онамникига кетдик, бориб овора бўлиб юрманг. Назира".

Фақир худди биров бошидан қайноқ сув қуйгандай, кўз олд қоронғилашиб, беҳол ўтириб қолди. Ҳаёлида кўзлари чарос, сочлари кўнғироқ кизалоғи намоён бўлиб, инграб юборди: "Нилу, она қизим!". Назирани севиб уylanганди. Келин-куёвга ҳаммининг хаваси келарди. Назира мактабда, Фақир санъат билим юртида дарс беришарди. Улардан бахтиёр одам йўқ эди дунёда. Фақирнинг яхшигина овози

бўлиб, тўйларда хизмат қилиб турарди. Бироқ ҳавоий ҳаёт, ҳазон каби ёғилган пуллар, айш-ишрат уни тўғри йўлдан адаштирди. Назира ҳар оқшом кизчасини бағрига босганча, мишжа қоқмасдан, уни хавотир билан кутиб ўтирарди. Тун ярмидан оққанда қайтган Фақирнинг оғзидан қўланса ароқ хиди анқирди. Бора-бора ютоқиб сув ичди. Бироз ўзига келгандай бўлди. Енгил ҳаёт, базму жамшидлар уни тубанлик сари етакларди. Катта-кичикнинг панд-насиҳати, Назиранинг ёзғиришлари унга кор қилмасди. Кечаги воқеа Назиранинг сабр касасини тўлдирди. Бу ғал ҳалтовоклари Фақирни ўлиқдек кўтариб келишиб, бутунлай эс-ҳушини йўқотган, зўрға нафас оларди. Уни олиб келган отарчи шогирдлари - икки йигит ва бир аёл ҳам зўрға оёқда туришарди.

- Узр, янга, - деди йигитлардан бири каловланиб, устозни сал чарчатиб қўйдикда бугун... Назира нафрат ва алам билан эрининг тубан ҳамтовокларини кузатиб қуйди: "Ҳайф сенларга инсон деган покиза ном!". ...Фақир Назира қолдирган хатни яна бир бор ўқиди. Қўнғил кўчасининг қоронғи сўқмоқлари уни ойдан йўллардан адаштириб, энди ортага қайтиб бўлмайдиган зулмат қаърига итқитганин англади. Афсуски, энди кеч...

Тоғаймурод ШОМУРОДОВ.

Биздан фақат яхшилик қолади

Бу дунёда инсондан нима қолади, амалми, мол-дунёми ёки қурган уйлари-ми? Йўқ, инсондан фақат бошқаларга қилган яхши ишларининг хотираси қолади.

82 ёшга кирдим. Ҳаётимда турли жойларда, кўп раҳбарлар билан ишладим. Бу ҳақда эслаганимда энг аввал, ёдимга туманимизда раҳбар бўлган Хайрулло Сайдиев келади. Оддий оиладан чиққан бу инсондаги раҳбарлик қобилиятига қойил қолганман. Ишга талабчан, амални суиистезмол қилмас ва лавозимдан шахсий манфаати йўлида фойдаланмасди.

Яна бир яхши инсон Бувсултай Ибрагимов. У кишининг турмуш ўртоғи Турсункул Эшатов урушга кетганди. Отасидан қолган арпа, қўй-эчкини халққа улашиб, одамларни очликдан асраб қолган.

Ҳозир бу инсонларнинг ишлари одамлар орасида яхши хотиралар билан эсланади.

Турди ТУРСУНОВ, Пайариқ тумани.

ШУ ОЙДА ТАВАЛЛУД ТОПГАНЛАР

10 ИЮЛЬ

Тошпўлат ТУГАЛОВ - 1964 йилда Ургут туманида туғилган. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

14 ИЮЛЬ

Исоҳор ОҚИЛОВ - (1914-1988) Самарқанд шаҳрида туғилган. Ўзбекистон халқ артисти.

Кўнглим

Бекиёс дардларга чидаган кўнглим, Гоҳида пинҳона йиғлаган кўнглим. Ноҳақ зулмларни кўтарган кўнглим, Турли синовлардан ўтолган кўнглим.

Меҳр кўрсатдингу, меҳр кўрмадинг, Севган кишинг билан сўхбат кўрмадинг. Шу кенг жаҳонга гоҳ сиймай йиғладинг, Сен деб атаганини сизлаган кўнглим.

Қақраган саҳродек яшадинг сувсиз, Бир зум яшадинг ғамсиз, қайғусиз. Кўнглим хоҳладинг, аммо қулгисиз, Тўхмат, иғволардан безиган кўнглим.

Ўлкага юз очиб, келганда баҳор, Дарахтлар гулласа, бўлур хусндор. Лекин сен ўзингга ясагайсан дор, Бардоши тугаган бечора кўнглим.



Бизни қийнадилар кўнгли қоралар, Келинг дардлашайлик, дилипоралар, Қалбим қоғозини қалам қоралар, Зулматнинг қўйнида яқдона кўнглим.

Умидли дунё бу, йиғлашни қил бас, Дунёда ҳеч нарса абадий эмас. Оламдан ноумид ўтмағай ҳеч кас, Топилар дардларга бир чора, кўнглим.

Озор берма

➤ **Назм**

Дилимни соғинчлар қийнаганида, Юрагинда мудом бўлсам эди, бас. Висолинг сўроқлаб келмаганида, Қалбда фарёд ураб ҳижрон деган сас.

Кўзинг қароғида яшасам, майли, Мухаббатнинг анжир боғида қолсам. Озор берма менга, шу ишқ туфайли Қалбингнинг қаърига сингиб йўқолсам.

Кошқийди ҳар айтган сўзингда бўлсам, Ҳар байту ғазаллар менга аталса. Севгининг дориға осилиб ўлсам, Менинг ҳақимда ҳам дoston тўқилса.

Майлига, яшасам нигоҳларингда, Кўринсам сочининг қировларига. Ишқ деган сўз бўлсам дудокларингда. Тоблансам, майлига, оловларига.

Висол тўн бичганда ҳижрондан тониб, Уни мен эгнимга қиларман либос. Мухаббат шаробин ичарман қониб, Тақдирим, тўлдириб қўйгил, илтимос.

Келақол, азизим, турибман қутиб, Сenga узатилган қўлларимдан тут. Толеим, кетяпман синовдан ўтиб, Мени севишганлар боғларида кут!

Мавлуда РЎЗИЕВА, Иштихон тумани.

MATBUOT UYI
Zarafshon
САМАРҚАНДСКИЙ ВЕСТНИК

MUASSIS: Samarqand viloyati hokimligi

Bosh muharrir: Farmon TOSHEV

Gazeta O'zbekiston matbuot va axborot agentligining Samarqand viloyat boshqarmasida 2012-yil 30-martda 09-01 raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr 100. Indeks 438. 16 527 nusxada chop etildi. Buyurtma 448. Hajmi 2 bosma taqob, bichimi A-2

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

QABULXONA: (66) 233-91-51, REKLAMA VA E'LONLAR: (66) 233-91-56

BO'LIMLAR: (66) 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61

MANZILIMIZ: 140100, Samarqand shahri, Ulug' Tursunov ko'chasi, 80-uy, Matbuot uyi.

Gazeta «Zarafshon» tahririyatining kompyuter bo'limida sahifalandi.

«Noshir lux» MCHJ bosmaxonasida chop etildi. **Korxonа manzili:** Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uy.

Bosishga topshirish vaqti: soat 18:30 da. Bosishga topshirildi: soat 19:00

Navbatchi muharrir:

A.SHERXOLOV.

Navbatchi:

D.TO'XTAYEV.

Sahifalovchi:

B.ABDULLAYEV.



Saytimga o'tish uchun QR-kodini telefoningiz orqali skaner qiling

Sotuvda narxi kelishilgan holda

Газетанинг навбатдаги сони 2022 йил 13 июль, chorshanba куни chop этилади.

ISSN-201667X

9 1772010667009